МУСТАҚИЛЛИК АЙЁМИГА 29 КУН ҚОЛДИ

БУ — МЕНИНГ БАЙРАМИМ!
БУ — СЕНИНГ БАЙРАМИНГ!
БУ — ҲАММАМИЗНИНГ БАЙРАМИМИЗ!

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2 август, жума, 1996 йил
Сотувда эркин нархда. № 155 (1408)



ИСТИҚЛОЛ КАЛЕНДАРИ

1991 йил 5 сентябрь

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фармонига биноан пойтахтимиздаги собиқ В. И. Ленин номидаги бош майдон Мустақиллик майдони деб аталди.

Мустақил мамлакатимиз пойтахтининг марказий майдонларидан бирининг Мустақиллик майдони деб аталиши ва бу ҳодиса республика Президентининг фармони билан мустаҳкамланиши, шунчаки оддий бир ҳодиса бўлмай, балки адолат тантанасининг ёрқин ифодаси, халқимиз дилидаги азалий орзунинг рўёбга чиқиши бўлиб, моҳият эътибори жиҳатидан республикамиз ҳаётидаги улкан тарихий воқеалардан бири бўлган эди.

Мустақиллик майдони эл-юртимизнинг, жамики меҳнатсевар, ҳақиқий бахт-иқболга муносиб халқимизнинг озодлигини, шоду ҳуррамлигини, меҳнат ғалабалари нашидасини, орзу-умидларини, ўзлигини намоён этувчи майдон бўлиб қолажаги ўша чоғларда башорат қилинган эди. Ниятимиз бизга йўлдош бўлди. Шундан буён мамлакат миқёсидаги байрамлар, тантаналарнинг энг улуғи шу ерда бўлиб, минглаб одамлар билан гавжум бўлади. Бу йилги истиқлолимизнинг шонли беш йиллигига бағишланган тантаналарнинг ҳам энг каттаси шу ерда бошланиб, бутун мамлакатимизда кенг қулоч ёяди. Ҳозир бу борада жуда катта қўламдаги тайёргарлик ишлари амалга оширилмоқда. Насиб этса, улуғ айём куни барчамиз Мустақиллик майдонида учрашамиз ва хуш кайфияту хурсандчилик билан бир-биримизни истиқлол билан қутлаймиз!

БУ ҲАҚДА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИДА ГАПИРИЛГАН ЭДИ

АВГУСТ — ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ОЙ!

«АВГУСТ ХОСИЛ ТЎПЛАШДА, КЎСАКЛАР СОНИНИ ОШИРИШДА МУҲИМ ПАЛЛА. ХАЛҚДА АСЛ ДЕҲҚОН БУ ОЙ ДАВОМИДА ТЕХНИКАСИНИ ДАЛАДАН ОЛИБ ЧИҚМАЙДИ, ДЕГАН ГАП БОР. БУГУНГИ КУНДА ТЕГИШЛИ ВАЗИРЛИК ВА УЮШМА РАҲБАРЛАРИ ҲАМДА МУТАХАССИСЛАРНИНГ ЎРНИ ДАЛАДА БЎЛИШИ, БАРЧА ПАХТАКОРЛАРГА ЁРДАМ БЕРИШИ ЗАРУР».

Ислом КАРИМОВ.

Вазирлар Маҳкамасининг йиғинида Президентимиз айтган бу сўзлар маъносини таҳлил қилар эканмиз, бугун, айниқса, шу кеча-кундузда аввало пахтакор-деҳқоннинг, қолаверса, хўжалик ва туман раҳбарларининг масъулият юки нечоғлик эканлигини тасаввур этамиз.

Бу йил республикамиздаги 1 млн. 490,7 минг гектар пахтазордан 4 миллион тонна қимматли саноат хомашёси териб олиниши режалаштирилган. Хўш, кўзланган ниятга эришиш учун, бугун нималарга эътибор бериш зарур. Эртага кеч кузакда ер чизиб қолмайин деган, ўзини билган раҳбар эрта-ю кеч ана шу ўйда.

Айни кунларда мамлакат пахтазорларида 20 минг 106 та культиваторлар ғўза қатор ораларига ишлов берaётир. Республика Қишлоқ хўжалик вазирлигидан хабар қилишларича, жами майдонлардаги ғўзага 5,1 марта техник ишлов берилди. Икки қайта сув таралди, уч қайта чопиқ қилиниб, ўтқдан чиқарилди. 2—3 марта озиқлантириш ишлари амалга оширилди.

Бу рақамларни бекорга санаётганимиз йўқ, ғўза ривожи, ҳосил тўплаш учун асосий палла ҳисобланган август ойида ана шу рақамлар ўз кучини кўрсатади. Яъни ким шу ойда ғўза қатор орасига намунали ишлов берса, мавжуд техника ва имкониятлардан самарали фойдаланса, марра ўша деҳқонники, тадбиркор раҳбарники. Эртага, кузакда, ғалвир сувдан кўтарилганда ўша одамнинг гапи кесади.

Вилоятлардаги аҳволни таҳлил қилган киши, қуйидаги рақамларга дуч келади: 1 августгача олинган маълумотларга кўра, 1 гектар умумий майдон ҳисобига ҳар бир туп ғўзада 4,9 тадан кўсак ҳосил қилинган. Ҳали 14 минг 800 гектар ердаги ғўзаларда эса кўсак йўқ. Қорақалпоғистон Республикасида ҳосил ривожи паст майдонлар 5,3 минг гектарни, Сирдарёда 7,4 минг гектарни; Қашқадарёда эса 2,1 минг гектарни ташкил этади. Демак, бугун хотиржамликка берилиш, масъулияттан қочиш эл-юрт ризқи бўлган қимматли саноат хомашёсини нобуд қилиш деган гап.

Олимларимиз ўз илмий рисолаларида қайд этган, «пахта устаси» деб ном олган ота-боболаримиз амал қилиб келган оддий қоида шуки, бугун ғўзани тўлиқ ҳосилга киритиб олиш учун асосан тўртта омилга эътибор бериш зарур: биринчидан, агротехник тадбирларни 5—10 августгача тугаллаш; ғўзани табақалаштириб суғоришга эришиш; учинчидан, пахта пайкалларини сувга бостирмаслик ва ниҳоят, сўнгиси, хўжаликлардаги мутахассислар қатор ораларни юмшатувчи ишчи агрегатларни қайта кўздан ўтказишлари зарур. Агрегат тишлари кераклари оралиқ ва чуқурликка мослаштирилмас экан, албатта, ғўза томирига шикаст етади, жароҳатланган илдизлар эса 25—30 кунгача ўз вазифасини ўтай олмайди.

Август ойида, чилла офтоби кундан-кунга ўз тафтига олаётган шу кеча-кундузда ғўзани тунда суғоришни йўлга қўйиш, минерал ўғитлар билан озиқлантиришни тамоман тўхтатиш асосан шарбат суви асосига ҳосил тўплашга эришиш ўша хўжалик раҳбарининг нечоғлик салоҳиятли эканлигидан дарак беради.

Пайкаллардаги тупроқнинг намлилик даражаси шу кеча-кундузда 70—75 фоиздан кам бўлмаслигига эришсак, дейди олимлар, ғўза тўқималари ҳароратни изга солиб туради. Ғўза танаси билан пайкалдаги ҳарорат нисбийлиги бир маромда сақланади.

Бугун деҳқонни ташвишга солаётган яна бир нарса, ғўзани чанқатиб қўймаслик ва айни пайтда қош қўяман, деб, кўз чиқариб, яъни пайкалларни сувга бостириб ҳосилни нобуд қилмасликдир. Бунинг учун деҳқондан қанчалик масъулият талаб этилса, раҳбардан ҳам шунчалик деҳқонга эътибор, зарурий шарт-шароит яратишга мойиллик лозим бўлади.

Республикамизнинг аксарият кўпчилик майдонларига экилган эртапишар «Юлдуз», «Тошкент-6», «Фарғона-3», «Ан-Боёвут-2» навлари айнан август ойида чанқатиб қўйилмаслиги керак. Суғориш бир кунга бўлса-да, кечиктирилса, йил бўйи тўпланган ҳосил нобуд бўлиши мумкин.

Техникани пайкалдан олиб чиқмаслик, вақтида сув тарашга эришиш билан бир қаторда бугунги яна бир муҳим омил бу — ғўза зараркунандаларига қарши курашишдир.

Бу борадаги ишлар мувафқияти жойлардаги биолабораториялар мутахассис-олимлари ташаббусига боғлиқ. Чунки «хабрабракон», «олтинкўз», «трихограмма» каби ғўза зараркунандаларига қарши далаларга учириладиган капалаксимон ҳашоратлар фақат фойда келтиради.

Собиқ иттифоқ даврида шу таҳлит омилларга эътибор сусайганидан, унутилган бу соҳа кишилари — энтомолог агрономларга бугун яна қайта эҳтиёж сезилаётир. Унта бўлса ўрни бошқа, деганларидек, бугун далада механиканинг, тажрибали сувчининг, агроном олимнинг ҳам, энтомологнинг ҳам ўз тошу тарозиси, салмоғи, қисқаси ўз ўрни бор.

Бу борадаги ишларда Вазирлар Маҳкамасидаги йиғинда Президентимиз ўз маърузаларини мухтасар қилиш олдидан таъкидлаган ушбу сўзлари ҳаммамизга дастуриламал бўлмоғи лозим:

«— Мен, — деган эди юртбошимиз, — навбатдаги мавсум, қолаверса жорий йил якунлари ғўзани ўстириш, йиғим-теримга тайёргарлик кўриш ва йиғим техникасининг мавсумга тахт қилиб қўйишга бевосита боғлиқ эканлигини назарда тутяпман. Умид қиламанки, бу ерда ўтирган ҳокимлар, вазирликлар ва муассасалар раҳбарлари ўзининг бу борадаги масъулиятини яхши тушунади».

Ш. МУТАҲҲАРОВ,
«Халқ сўзи» газетасининг қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти бўлими шарҳловчиси.



ПАХТА ОЧИЛДИ!

Олтиариқ тумани Б. Отақулов номидаги жамоа хўжалигининг Маъмуржон Дўсматов бошлиқ бригадаси далаларида пахта очилди. 45 гектар майдонда «Фарғона-3» навли пахта етиштираётган миришкорлар ғўзани агротехника талаблари асосида парваришлаб, олти марта комплекс ишловдан чиқарди. Ҳар туп ғўзада 7-8 тадан бўлиқ кўсак, шода-шода гул ва шоналар борлиги ҳосил мўл бўлишидан дарак бермоқда.

Сўз — дипломатларга

ДЎСТЛИГИМИЗ БИЛАН ҚУДРАТЛИМИЗ

Газетамиз Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллиги байрамига бағишлаб янги рубрика очиб, Тошкентда аккредитация қилинган дипломатларга сўз бериб боришни мўлжаллади. Россиянинг Ўзбекистондаги муваққат ишлар вакили Виктор Ринза таклифимизни биринчилар қатори қабул этди.

— Виктор Николаевич, мустақил Ўзбекистон халқи катта байрам арафасида. Мамлакатимиз мустақил тараққиёт йўлига ўтганига беш йил бўлди...

— Бу давр Ўзбекистон учун ҳам, Россия учун ҳам давлат қурилиши ва иқтисодиёт соҳаларида анча мураккаб кечди. Сизу бизнинг мамлакатимиз-

(Давоми 2-бетда).

АСРЛАРГА МУҲРЛАНГАН ЛАҲЗАЛАР

Буюк бобомиз Бобур Мирзо киндик қони тўкилган юртни озод ва обод кўришни орзу қилган эди. Не бахтки ана шундай масрур кунларга асрлар оша истиқлол туфайли сизу биз муяссар бўлмоқдамиз. Давримизнинг яратувчилик, бунёдкорлик руҳи акс этиб турган ушбу суратлар қаҳрамонларига боболар руҳи мададкор бўлсин.

(Суратлар газетамиз архивидан олинган).

ЎЗБЕКИСТОН: КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

«Халқ сўзи» ва «ЎзА» мухбирлари хабар қилади

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Сирдарё вилоят ҳокимлигида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг республика ёшларининг «Камолот» жамғармаси тўғрисидаги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг шу ҳақдаги қарори қандай бажарилаётганига бағишланган йиғилиш бўлди. Унда шаҳар ва туман ҳокимлари, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, «Камолот» жамғармаси муассислари ва ҳомийлари, жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашди.

Сўзга чиққанлар вилоятда ҳозирдаёқ жамғарманинг 5 та шаҳар, 9 та туман бўлими, корхона, ташкилот ва ўқув юртларида эса 600 га яқин жамоатчилик маркази фаолият кўрсатаётганини қайд этди. Ёшларни ижтимоий ҳимоялаш, уларни ишга жойлаштириш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Бироқ ҳали бу борадаги ишларни талаб даражасида деб бўлмайди. Айрим муассис ва ҳомийлар жамғармани моддий таъминлашда сусткашликка йўл қўймоқда. Ёшлар ўртасида маданий-маърифий ишлар савиясини ошириш даркор. Йиғилишда жамғарма фаолиятини янада яхшилаш юзасидан вазифалар белгиланди.

МЎЙНОҚ МЎЙНАСИ

Орол минтақасида экологик вазиятни юмшатиш борасида амалга оширилаётган муҳим тадбирлар самараси ўлароқ, ички сув ҳавзалари, кўллар сувга тўла бошлади.

Бу эса Мўйноқ мўйнаси шуҳратини қайта тиклаш, қундуз ва ондатра боқишни кўпайтириш имконини берди. Шу мақсадда «Бизнес-фонд»дан 2 миллион сўм кредит олинди. Илгари мўйна марказдаги қайта ишлаш корхоналарига сув текинга бериб юборилар эди. Энди улар шу ернинг ўзида қайта ишланади. Тайёр мўйнадан бош кийимлар тикилади.

ТЕМУР ҲАҚИДА ФИЛЬМ

«Ўзбектелефильм» студияси буюк соҳибқирон таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб «Амир Темур» номли бадиий-публицистик фильм яратишга киришди. Бу картинанинг дастлабки лавҳалари Самарқандда суратга олинмоқда. Бундан кейинги ишлар Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларининг тарихий гўшаларида давом эттирилади.

Самарқанд телевизион ижодий уюшмаси ҳам юбилейга атаб Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида етти қисмдан иборат фильмни суратга олмоқда. Унинг бир неча қисми ҳозирдаёқ суратга олинди. Киноижодкорлар шу мақсадда Шаҳрисабз шаҳри, Қозоғистон, Эрон ва Туркияда сафарда бўлди.

«ТУРИЗМ, ЭКОЛОГИЯ ВА САЛОМАТЛИК»

«Экосан» халқаро экология ва саломатлик жамғармасида ана шу мавзуда давра суҳбати бўлди. Унда республикамизда экологик туризмни ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди.

Учрашув иштирокчилари экологик туризм Ўзбекистоннинг бой табиатини ўрганишда муҳим восита эканини таъкидлашди.

Давра суҳбати иштирокчиларидан Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Гуан Хэнгуан, Конрад Аденауэр номидаги жамғарманинг минтақадаги вакили Волфганг Шрайбер, Қозоғистон Республикаси элчихонасининг маслаҳатчиси К. Аблязимов ва бошқалар бу соҳада халқаро ҳамкорлик қилиш борасида муайян таклифлар киритди.

Давра суҳбати иштирокчилари «Ипак йўли ва экотуризм» лойиҳасини ишлаб чиқиш учун ишчи гуруҳини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

«МАҲАЛЛИЙ ҲОКИМИЯТ ОРГАНЛАРИДА СИЁСАТ»

Тошкентда Германиянинг Конрад Аденауэр номидаги жамғармаси ташаббуси билан «Маҳаллий ҳокимият органларида сиёсат» мавзуида семинар бўлиб ўтди.

У жамғарманинг Самарқанд, Бухоро, Урганч, Фарғона ва бошқа шаҳарларда ўтказган шу туркумдаги тадбирларининг учинчи — якунловчи босқичи бўлиб, маҳаллий ҳокимият органлари сиёсатини амалга ошириш жараёнида фуқаролар дунёқарашини шакллантириш муаммоларига бағишланган.

Семинарда маҳаллий бошқарув тизимидаги мавжуд камчиликлар, тараққиётга тўсқинлик қилаётган бюрократия, эскича фикрлаш каби жиддий муаммолар муҳокама қилинди.

БОЖХОНАЧИЛАР КЕНГАШИ

Урганчда Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ҳамда Туркманистон Республикаси Лебоб ва Тошҳовуз вилоятлари божхона тизими раҳбарларининг минтақавий кенгаши бўлди.

Унда чегарадан гиёҳванд моддаларни олиб ўтишга уринишнинг пайини қирқиш масалалари муҳокама этилди. Бундай жиноий ҳолатларга қарши биргаликда курашиш, бу борада жаҳон тажрибасида қўлланилаётган замонавий усул ва воситалардан самарали фойдаланиш зарурлигига эътибор қаратилди.

UZINFO МАРКАЗИ — ДУНЁ: ЭНГ СЎНГГИ ВОҚЕАЛАР

ГРЕЦИЯНИНГ ТАКЛИФИ

Қадимий Юнонистон илк олимпиада ўйинлари ватани бўлганлиги ҳаммага маълум.

Шундан бўлса керак, Греция 2004 йилги олимпиада ўйинларини ўз мамлакатида ўтказилишини мўлжалламоқда. Бу хусусда махсус баёнотнома ҳам эълон қилинди. Унда жумладан, шундай дейилади: «Умуман, олимпиада ўйинларининг мунтазам равишда Грециядa ўтказилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди», дейилади. Ҳукумат вакили Димитрас Реппаснинг таъкидлашича сўнгги кунларда Атлантада содир бўлаётган воқеалар хулосага асос бўлади.

ҚУРОЛЛИ ТЎҚНАШУВ БОШЛАНДИ

Жаҳондаги кўпгина ахборот маҳкамаларининг хабарига қараганда, Афғонистоннинг жанубий ва ғарбий ҳудудларида ҳукумат қўшинлари билан мухолифатдаги «Толибон» ҳаракати жангарилари ўртасида қуролли тўқнашувлар бошланган.

Ҳукумат ҳарбий ҳаво кучлари самолётлари жангарилар позицияларини бир неча бор бомбардимон қилди. Натижада мухолифатчилар стратегик жиҳатдан муҳим бўлган бир неча нуқталардан чекинишга мажбур бўлишган. Мамлакат пойтахти Қобул шаҳри эса толиблар томонидан артиллериядан тўпга тутилмоқда.

ПРЕЗИДЕНТЛАР УЧРАШУВИ

Расмий ташриф билан Вашингтонга келган Миср Араб Республикаси Президенти Ҳусни Муборак АҚШ Президенти Билл Клинтон билан учрашди.

Мазкур учрашув чоғида Яқин Шарқ муаммоси ва бу ерда мустаҳкам тинчлик ўрнатиш юзасидан кенг қамровли музокаралар олиб борилди.

ТЎФОН ЮЗ БЕРДИ

Вьетнамнинг шимолий вилоятларида юз берган «Фрэнки» тўфони оқибатида 70 га яқин киши ҳалок бўлди.

400 мингдан ортиқ аҳоли эса бошпанасиз қолди, 54 киши бедарак йўқолди. Жала натижасида дарёлар тошиб, 200 минг гектардан зиёд майдондаги қишлоқ хўжалик экинлари сув остида қолди.

ГЕНЕРАЛ ИСТЕЪФОГА ЧИҚДИ

Перуда террорчилик билан кураш миллий бошқармаси бошлиғи генерал Карлос Домингес истеъфога чиққанидан сўнг, Каракас шаҳрида бир қанча террорчилик ҳаракатлари содир бўлди.

Террорчилик ҳаддан ташқари кучайган ушбу мамлакатда баъзан байрам кунлари ҳам осойишталик бўлмайди. Мамлакат олий қўмондонлиги вакили генерал Мануэл Валерага қарши уюштирилган суиқасд ҳам бу борадаги жиноятларнинг кўпайганлигидан далолат бермоқда.

1991 ЙИЛ 6 СЕНТЯБРЬ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлигини тузиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

* * *

1991 ЙИЛ 7 СЕНТЯБРЬ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолият миллий банкини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

* * *

1991 ЙИЛ 30 СЕНТЯБРЬ

Тошкентда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари еттинчи сессияси бўлиб ўтди. Унда бир қатор муҳим масалаларни муҳокама этиш билан бирга, «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонунга конституциявий қонун мақоми берилди.

* * *

1991 ЙИЛ 24 ОКТЯБРЬ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизнинг ёш иқтисодчи олимлари билан учрашди. Унда юртбошимиз ҳукуматнинг ижтимоий-иқтисодий дастури ҳақида батафсил гапирди. Шунингдек, Ўзбекистонни бозор иқтисодиёти изига кўчириш ва бу борадаги иқтисодчиларнинг олдида турган асосий вазифаларни белгилаб берди.

* * *

1991 ЙИЛ 26 ОКТЯБРЬ

Москвада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги мамлакат расмий делегацияси билан Россия Президенти Б. Ельцин раҳбарлигидаги мазкур давлат раҳбарлари ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Унда «Ўзбекистон Республикаси билан Россия ўртасида 1992 йилда савдо-иқтисодий ҳамкорлик принциплари тўғрисида»ги битим имзоланди.

«ШЎРТАНГАЗ»: ҚУВВАТЛАР ОШМОҚДА









(ФОТОРЕПОРТАЖ)

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ. Мамлакатимиз газ саноатининг йирик ўчоқларидан бири — «Шўртангаз» конида эртаю кеч жўшқин меҳнат ҳукмрон. Ҳозирги кунда қазиб олинаётган газ миқдорининг катта қисми ана шу корхона ҳиссасига тўғри келади. Бундан ташқари йилига 733 минг тонна газ конденсати ишлаб чиқарилмоқда. Яқинда корхонада хайрли тадбирга қўл урилди: ишлаб чиқариш жараёнини тўхтатмаган ҳолда газ тозалаш цехларини таъмирлашга киришилди. Мутахассислар, ишчи-хизматчилар бу борада зўр ғайрат кўрсатиб, касб маҳоратини намоён этаяптилар. Таъмирлашдан сўнг корхона қуввати янада ошади ва республика аҳолисини суюлтирилган газ билан таъминлаш имкониятлари кўпаяди.

СУРАТЛАРДА: 1.Газ конининг умумий кўриниши. 2.Акром Қораев корхонанинг тажрибали чилангарларидан биридир. 3. Бош муҳандис Музаффар Бўриев. 4. Газ тозалаш цехларини таъмирлаш.

Ш. ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.

«Халқ сўзи» анкетаси: Мустақиллик тақдиримизда

МУҲИМИ – БОҚИМАНДАЛИК БАРҲАМ ТОПЯПТИ

Равшан НАЖМИДДИНОВ, «Ўзэлектрасбобсавдо» ҳиссадорлик жамияти раҳбари:

1. Сиз ва жамоангиз байрамни қандай кутиб олаяпсиз?

2. Беш йил мобайнида рўй берган қайси ўзгаришларни энг характерли деб ҳисоблайсиз?

3. Истиқлол сизга нима берди ва аксинча сиз уни мустаҳкамлашга қандай ҳисса қўшаяпсиз?

4. Ислоҳотларнинг янада муваффақиятли кечиши учун яна нималарга эътибор бериш керак, деб ўйлайсиз?

1. 1996 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунларига кўра, 172 млн. сўмлик маҳсулот сотишга эришдик. Бундан жамоамиз 29,5 миллион сўм соф даромад кўрди. Хусусий айланма фондлар 70 млн. сўмни ташкил этди. Акцияларимиз қиймати 6,7 баравар ошди. Натижада бир дона акцияга чорак якуни бўйича 56 сўмдан дивидент тўладик. Маҳсулот алмашиш меъёри ўртача 60 кунни ташкил қилди. Энг асосийси, муддати чўзилган дебитор ва кредитор қарзларимиз йўқ.

Ютуқларга эришиш сирини очмоқчи эмасману, ҳар ҳолда тижорат ишимизнинг асосий мазмун-моҳияти бўлгани учун, айрим кишилар ноўрин хулосага келмасин деб, кичкинагина қоидани ошкор этаман. Бу ҳам бўлса, ишчи-хизматчиларимизнинг меҳнатига ҳақ тўлаш шартнома усулида бўлиб, корхона кўраётган даромадига тўғри пропорционалдир.

Жаҳондаги тараққий этган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, маҳсулотларимизни республика матбуоти, телевидение, оммавий ахборот воситалари орқали реклама қилишга алоҳида эътибор бераётирмиз. Чунки ривожланган мамлакатлардаги корхоналар, корпорациялар ўз даромадининг 70 фоизини рекламага сарфлайди.

2. Аввало, боқимандалик қайфияти барҳам топмоқда. Тадбиркорлик ҳамма жойда, ўз ижобий самарасини бераётир. Бугун мамлакатимизда юзлаб қўшма корхоналар, чет эл корпорацияларининг ваколатхоналари фаолият кўрсатаяпти. Улар ташаббусини қўллаб-қувватловчи, ҳимоя қилувчи қонунлар ишлаб чиқилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни, «Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этишни ва уларнинг фаолиятини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Республика Президентининг Фармони, хорижий давлатлар билан ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш борасида имзоланган қатор деклорацияларни мисол келтириш мумкин.

3. Мустақиллик халқимизга ва шахсан менга бебаҳо неъмат — озодлик, эркинлик туйғусини, қаётда, ўз меҳнатим самарасини ҳис этиш туйғусини берди.

Бозор инфраструктурасини ривожлантиришга жамоамиз баҳоли қудрат ҳисса қўшиш мақсадида шу йилнинг ўзида талайгина режаларни амалга оширдик. «Энергосветприбор» шўъба корхонаси ишга туширилиши билан қўшимча бир қанча иш ўринлари очилди. Бу ерда ҳар ойда 4,5-5 млн. сўм миқдорида қўшимча маҳсулот сотиш имкониятига эга бўлинмоқда. Латвия давлати билан қўшма корхона очяпмиз, бу ҳамкорлик туфайли мамлакатимизга консигнация усулида Болтиқбўйи давлатларидан халқ истеъмоли маҳсулотлари келтирамиз. Яқин кунларда фирмамиз брокерлик ўринлари негизида хўжалик ҳисобидаги брокерлик идораси очиш режамиз бор. У бугунги кунда ривожланиб бораётган қиммат баҳо қоғозлар биржаси, кўчмас мулк биржаси, хомашё биржасининг брокерлик ўринлари негизида фаолият кўрсатади.

4. Биз ҳозир жаҳондаги энг илғор мамлакатларга тенглашиши ва улардан-да сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга эришишдек ойдин йўл бошида турибмиз. У мураккаб сўқмоқлардан иборат бўлса-да, халқимиз дилига туккан хайрли мақсадига тез элтувчи тўғри йўлдир. Ислоҳотлардан кўзда тутилган бош мақсад ҳам шу. Ушбу жараённинг янада мукаммал кечиши учун биринчидан, Президентимиз Ислом Каримовнинг мамлакатни иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан барқарор қилиш мақсадидаги одилона сиёсати, саъй-ҳаракатларига ҳар бир меҳнат жамоаси ўз ютуқлари билан жавоб бермоғи лозим.

Иккинчидан, ҳар бир соҳа ишчиси, раҳбар ходимлари ўз мутахассислиги бўйича чуқур билимга эга бўлмоғи, ҳар лаҳзадаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни теран мулоҳаза эта билиши керак.

Учинчи масала шуки, халқимиз тужжорлари қадимда Буюк ипак йўлидаги савдо корхоналарининг олдида бўлган. Осиё ва Европа бозорларида қадим Туркистон халқ ҳунармандларининг маҳсулотлари севиб харид қилинган. Ғарбда Туркия орқали очиқ денгиз билан Рим давлати ўртасида карвон сўриб, Амир Темур салтанати довруғини бутун дунёга ёйганлигини доимо ёдда тутмоғимиз, шу фахрли номга яраша ҳалоллик билан иш тутмоғимиз талаб этилади.

Тўртинчидан, тадбиркор номини оқлаш, мамлакат иқтисодини мустаҳкамлаш учун маҳсулотларнинг жамики бозорлардаги конюктурасини, ҳар бир давлатнинг ишлаб чиқариш даражаси, маҳсулотининг сифати, миқдори, турларини ёддан билишимиз керак бўлади.

Ислоҳотлар жараёнини чуқурлаштириш, ҳуқуқий давлатчиликка эришишга тўғаноқ бўлаётган қатор иллатлар борки, уларни санаб ўтмаслик, яхши кўриб-билиб, газак олдиришдек гап. Масалан, шу йил март ойда Солиқ давлат қўмитаси, Собир Раҳимов туман солиқ инспекцияси билан ҳамкорликда корхонамизда текширув ўтказди. Текширишлардан маълум бўлдики, 1995 йил ноябрь ойида 6,2 минг сўм кам қўшимча қиймат солиғи тўланган экан. Лекин йиллик кўрсаткич бўйича 16,5 минг сўм ортиқча қўшимча қиймат солиғи тўланган. Жами бюджетга 219 минг сўмлик ортиқча солиқ тўлаганмиз. Амалдаги қонунга кўра, жами қўшимча қиймат миқдорининг 10 фоиз даражасида жарима тўладик.

Бундан ташқари статистика идораларига ҳар хил ҳисоботлар шунчалик кўп топшириладики, алмисоқдан қолган бу услубдан воз кечиб, бугунги бозор иқтисодиёти талабларига мос йўл-йўриққа ўтилса яхши бўлармиди.

Айрим ҳолатларда, баъзи бир идоралар тазйиқ ўтказиб, ишимиз ривожига тўсқинлик қилишгача бориб етмоқда. Олайлик, бундай нохушликлар ҳар гал хориждан маҳсулот келтирган дастлабки кунларда юз беради. Улар ўзича турли юқори идоралардан қўнғироқ қилдириб, маҳсулотни ўз таннархидан арзонлаштиришга, иложи бўлса бепул олишга ҳаракат қиладилар. Ахир бу аҳволда бозор муносабатларини шакллантириб бўладими?!

Хориждан келтирилаётган маҳсулотларни божхона орқали расмийлаштириш (разтаможка) жараёнида ҳали тўсиқлар кўп.

Шунга бир мисол: бутун дунёга машҳур «ВЭФ» корхонаси (Латвия) телефонлари, Санкт-Петербургда ишлаб чиқарилаётган электр ҳисоблагичлар ўз сифати билан аллақачон жаҳон бозоридан ўрин олган бўлсада, ушбу маҳсулотларни келтирганимизда Давлат андозалаш қўмитасида уч ойлаб синовдан ўтказилмоқда. Амалдаги қонунга кўра эса, маҳсулотни 24 соат ичида қабул қилиб, 10 кун муддатда харидорга етказиб беришимиз керак.

Маҳсулотларни мамлакатимиздан ташқарига чиқаришда, уларни биржа орқали сотишда ҳам талайгина муаммолар мавжуд.

Ўзбекистонни ривожланган мамлакатлар қаторига тезроқ олиб чиқиш йўлидаги бундай жўзъий тўсиқларга барҳам беришда ҳаммамиз бирдек масъулмиз. Зеро, шундагина ислоҳотлар жараёни тагинда муваффақиятли кечади.

ДЎСТЛИГИМИЗ БИЛАН ҚУДРАТЛИМИЗ

(Давоми. Боши 1-бетда).

да яшаётган кишилар учун ҳам оғир бўлди. Аммо беш йил самарасиз ўтгани йўқ. Республикангизда сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ислоҳотлар йўлида юз бераётган ижобий ўзгаришларни кўриб, ҳис этиб тўриш биз учун ёқимлидир. Агар биз, дипломатларнинг икки мамлакат ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид ижобий жараёнларга кўмаклашишга даъват этилганлигимизни назарда тутадиган бўлсак, Ўзбекистон ислоҳотлар йўлида эришаётган ютуқлар биз учун икки карра қувончлидир.

Россия билан Ўзбекистон ўртасида икки томонлама муносабатлар йўқ ерда барпо этилаётгани йўқ, албатта. Ислом Каримов ҳам, Борис Ельцин ҳам халқларимиз ўртасида азалдан мустаҳкам алоқа мавжудлигини қайта-қайта таъкидладилар. Гарчи муштарак тарихимизда ҳар хил вазиятлар бўлганига қарамай, биз бир-биримизга яқинлигимизни сақлаб келмоқдамиз.

Ўтган беш йил ичида Ўзбекистон ва Россия томонларнинг сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, ватанпарварлик соҳаларидаги ўзаро муносабатларини белгиловчи юзга яқин икки томонлама шартномаларни имзоладилар. Биз бу шартномаларнинг қандай ишлаётганидан ҳар доим ҳам қаноат ҳосил қилмаётгандирмиз. Бироқ начора, буни ҳаёт дейдилар. Муҳими шундаки, мавжуд қийинчилик ва муаммоларни бартараф этиш учун истак ҳам, ҳаракат ҳам бор.

Россия мустақил Ўзбекистоннинг жаҳон аренасида эришаётган ютуқларини эътибор билан кузатиб бормоқда. Мамлакатингизнинг кенг кўламли халқаро акцияларидан самимий ҳурсандмиз. Зеро, бу акциялар ер юзида тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга кўмаклашади. Россия билан Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат бобидаги кўпгина нуқтаи назарлар бўйича қарашлари бир-бирига мос тушади ёки яқиндир. Биз йирик халқаро ташкилотларда кўпинча шерик бўлиб қатнашамиз ва бу бирга ҳаракат қилишимизга ёрдам беради.

Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлини белгилагани мутлақо табиий ҳолдир. Собиқ СССР ҳудудидаги ёш давлатлар у ёки бу муайян моделга устунлик бериши керак, деб ҳеч ким айтаётгани йўқ. Мамлакатингиз ўзи белгилаган мартаралар сари қандай интилаётганини кўриб турибмиз. Асакада барпо этилган автомобиль заводи бу фикримизнинг тасдигидир. Бундай мисолларни истаганча келтириш мумкин.

Ўзбекистон — кўп миллатли давлат. Айнан шу кўп миллатлилик, тинчлик ҳамда халқлар ўртасидаги тотувлик туфайли дадил олга бормоқдасизлар. Бу ерда яшаётган юз минглаб руслар Ўзбекистонни ҳақли равишда ўз ватанлари деб билмоқдалар, самарали меҳнатлари билан давлат қудратини мустаҳкамлашга ҳисса қўшмоқдалар.

Менинг Ўзбекистонда дўстларим кўп. Элчихонадаги ҳамкасбларимнинг ҳам дўстлари оз эмас. Биз ушбу меҳмондўст ўлкани, унинг халқини самимий севамиз. Ажойиб байрамингиз — Мустақиллик куни арафасида мамлакатингизнинг ҳамма фуқароларига тинчлик ва фаровонлик, тўкинлик ва муваффақиятлар тилаймиз. Россия билан Ўзбекистон ўртасида қарор топган алоқаларнинг янада мустаҳкамланиши ва ишончли бўлиши, халқларимизнинг дўстлик ва ўзаро ҳурмат руҳида яшашлари учун биз ўз томонимиздан ҳамма ишни қиламиз.

АСОСИЙ ҚИСМИ – ХОРИЖГА

Халқобод шаҳридаги «Момиқ» акционерлик жамияти Қорақалпоғистондаги пахта тозалаш корхоналари ичида энг илғорларидан бири саналади. Мазкур заводда атиги 150 нафар киши меҳнат қилади. Шунга қарамай улар йил бошидан бери 6 минг 910 тонна тола, 13 минг 920 тонна чигит ишлаб чиқариб, истеъмолчиларга етказиб беришга муваффақ бўлишди.

Толанинг асосий қисми Америка Қўшма Штатлари, Япония, Жанубий Корея каби ривожланган давлатлар томонидан харид қилинди. Шу кунларда корхонада ҳамда унинг жойлардаги пахта тозалаш пунктларида янги ҳосилни қабул қилиш учун пухта ҳозирлик кўрилмоқда.

Ўктам ДЎСТЕР.

"ЎЗМЕТАЛЛСАВДО" АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ

ҚУЙИДАГИЛАРНИ СОТАДИ:

* швеллер 5 лик;
* d-12, 14, 16, 18, 22, 32 мм.ли арматура;
* 32x32, 35x35, 50x50, 63x63 уголок;
* 18, 22 мм.ли круглар (доира);
* совуқ ҳолатда чўзилган ва таркибида никел бўлган зангламайдиган круг (доира)лар;
* полиэтилен қувурлар;
* пўлат парчин (заклепка);
* арра-пичоқ буюмлари;
* ҳар-хил гайкали болт ва фитинглар;
* 3.3, 6.5, 9.7, 16.5 мм.ли тросслар;
* 20 мм.ли шайбалар;
* КГ 3x1.5 кабеллар.

КОНСИГНАЦИОН:

* d-48, 57, 89 мм.ли маркали пўлат қувурлар сотади (ҳақ тўлаш шакли келишилади).

Шунингдек омборхона биносини ижарага беради.

Металл буюмларни майда партия ва вагон билан мунтазам равишда харид қилади.

Тел.: (3712) 489506, 483724.
Адрес: Тошкент ш., Уста Ширин кўчаси, 136.

ТАДБИРКОР СЎРАЙДИ...

Ўзбекистон Республикасида хўжалик судларининг фаолияти қандай қонунлар билан тартибга солинади?

А. ҲАКИМОВ, Қўшработ тумани.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик суди ва вилоятлар хўжалик судларининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Судлар тўғрисида»ги Қонун, Хўжалик процессуал кодекси, Олий хўжалик суди Пленуми ва Раёсати томонидан чиқарилган қарорлар билан тартибга солинади.

* * *

Суд ҳокимияти нима?

Ю. МЕЛИЕВ, Тошлоқ тумани.

Ўзбекистон Республикасининг Асосий қонуни бўлган Конституцияда Суд ҳокимиятига тушунча берилиб, Суд ҳокимияти — Қонун чиқарувчи, ижро ҳокимияти ва бошқа сиёсий партиялар ҳамда жамоат бирлашмаларидан холи равишда ҳаракат қилади», — дейилган.

* * *

Суд ҳокимиятининг тизими қандай?

О. Хўжамуродов, Деҳқонобод тумани.

Ўзбекистон Республикасида суд тизими Ўзбекистон Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар суди, туман, шаҳар судлари ва вилоятлар хўжалик судларидан иборат.

* * *

Хўжалик соҳасидаги низолар кимлар томонидан кўрилади?

Я. НАБИЖОНОВ, Поп тумани.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан хўжалик фаолияти ва уни бошқариш жараёнида келиб чиққан иқтисодий соҳадаги низоларни Олий Хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар хўжалик судлари томонидан кўриб чиқиш белгиланган.

* * *

Хўжалик судлари қандай ваколатларга эга?

Т. МУҲАММАДЖОНОВ, Пахтакор тумани.

Хўжалик судлари ўз ваколати доирасида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида вужудга келувчи иқтисодий низоларни ёки бошқарув соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи низоларни ҳал этади.

УЛГУРЖИ ВА БОШҚА ХАРИДОРЛАР УЧУН АЖОЙИБ ЯНГИЛИК!

Чарм куртка ва плашлар учун катта чегирма, хилма-хил модада, юқори сифатли, маъқул нархларда.

Дўконларимизга хуш келибсиз!

"Амбер Энтерпрайзес" фирмасининг дўконларидан чарм кийимларни сотиб олинг:

*** Фарҳод ярмаркасидаги "Наврўз" магазини ("SONY" ва "DAEWOO", Чилонзор даҳаси).**
*** Сирғали МУМ, 1-қават.**

Савдо хизмати

ФАРОВОНЛИК НИМАДАН БОШЛАНАДИ?

Ислоҳотлар чуқурлашгани сайин дўконларимиз турли хил мол ва маҳсулотларга тўлиб бораётган экан, бу аввало, ўша жойдаги серғайрат ва уддабурро тижоратчиларнинг саъй-ҳаракати мевасидир. Узоққа бормайлик-да, Тошкент вилояти матлубот-ҳиссадорлик жамиятлари фаолиятига бир назар ташлайлик. Хусусийлаштириш ҳиссадорларга нима берди? Улар томонидан кўрсатилаётган хизмат даражаси бозор талабларига мосми?

Олти ойлик иш якунлари ушбу саволларга ойдинлик киритса керак, деб ўйлаймиз. Вилоят савдо ходимлари тармоқни ислоҳ қилиш йўлидан бориб, аҳолини кундалик харид моллари билан таъминлаш, хусусийлаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратаяптилар. Бугунги кунда туманлардаги матлубот жамиятлари тўлиғинча ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилган бўлиб, савдо маданиятини оширишнинг замонавий шакллари ҳаётга жорий этилмоқда. Энг муҳими, дўконларда белгиланган 9 хил маҳсулотнинг доимий бўлишига эришиш учун барча имкониятлардан фойдаланилаяпти. Бунинг самараси ўлароқ, ўтган ярим йил мобайнида қишлоқ меҳнаткашларига 959 млн. 964 минг сўмлик савдо хизмати кўрсатилди. Умумий товар айланишида ўсиш суръати 1995 йилнинг айни даврига нисбатан 154 фоизни ташкил этди. Фақат шугина эмас. Аҳолига етказиб берилаётган маҳсулотлар тури ва ҳажми ҳам кўпаймоқда. Чунончи, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида қишлоқ аҳолисига 59580 тонна ун, 4128 тонна ўсимлик ёғи, 2516 тонна гуруч, 15035 тонна шакар, 1969,5 тонна туз, 452 тонна макарон сотилди. Тармоққа қарашли саноат корхоналарида 337,3 млн. сўмлик кенг истеъмол маҳсулотлари — колбаса, яхна ичимликлар, музқаймоқ, турли хил консервалар, қандолатчилик неъматлари ишлаб чиқарилди.

Бу рақамлар замирида қанча меҳнат, ташкилотчилик қобилияти, уйқусиз тунлар заҳмати яширинганини тасаввур қилиш қийин эмас. Зеро, ҳозирги шароитда «арава»ни тортишнинг ўзи бўлмайди. Катта иш катта фидойилик, тинимсиз изланиш маҳсулидир. Шу жиҳатдан қараганда, вилоятдаги Қибрай, Паркент, Юқори Чирчиқ туманларида халқ таъминотини яхшилаш йўлида амалга оширилаётган тадбирлар эътиборни тортади.

ДАСТУРХОНИНГИЗДАН НОН АРИМАСИН

Нон... Бу азиз неъматнинг таърифи ҳақида кўп ва хўп ёзилган. Соддагина қилиб айтганда, у ҳаётимиз тираги, дастурхонимиз кўрки, тириклигимиз устунидир. Нони беминнат бўлган юртнинг бағри бутун, толеи ёруг.

Ғалла мустақиллигини таъминлаш бугунги кунда республикамизда ўтказилаётган ислоҳотларнинг устивор йўналишларидан бири қилиб қўйилганлиги ҳам бежиз эмас. Зеро, ҳар бўлак нон ушоғида бободеҳқон, механизатор ва новвойнинг муштарак меҳнати мужассамдир. Унинг беҳад азиз тутилиши, кўзга суртилиши ана шундан.

Биз ҳам дастлабки сўзимизни айнан «Қибрайнон» ҳиссадорлик жамияти фаолиятидан бошлашга жазм этдик.

Жамиятнинг ташкил топганига унчалик кўп вақт бўлгани йўқ. Ўтган қисқа давр мобайнида янги технологияларни ўзлаштириш, маҳсулот турларини кўпайтириш борасида сезиларли натижаларга эришилди. Энг муҳими, ходимлар онги ва тафаккурида юз бераётган психологик ўзгаришларни ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди.

Корхона хусусийлаштирилгач, масъулият ҳисси кескин ошди, ишга муносабат тубдан ўзгарди. Ҳаммани бир мақсад, бир манфаат ўзаро бирлаштирган. Эндиликда дангаса ва пайсалкашларга нон корхонасининг ўзида ҳам нон йўқ. Чунки фойда-ю, зиён ўртада. Ҳар бир ходим умумий ишга қўшган ҳиссасига қараб ҳақ олади. Меҳнатни ташкил этишнинг бу замонавий усули тармоқни ривожлантириш, маҳсулот сифатини яхшилаш имконини бермоқда. Сифатли маҳсулотнинг эса доим бозори чаққон. Шу боисдан бўлса керак, жамоа аъзолари ишлаб чиқараётган ҳуштаъм, бўрсилдоқ нонларга талаб катта, улар дўкон пештахталарида туриб қолмайди.

Келинг, яхшиси, ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Рухсора Абдураҳмонованинг ўзидан эшитайлик:

— Туманимиз ҳудудида 125 минг аҳоли истиқомат қилади. Уларни нон ва нон маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш учун ишни кечаю кундуз ташкил этганмиз. Маҳсулот, асосан, ўз фирма дўконларимиз орқали нисбатан арзон нархларда сотилмоқда. Унинг сифати ҳақида ҳали бирон-бир эътироз билдирилгани йўқ. Жамиятимиз таркибидаги 75 нафар ходимнинг аксарияти ўз касбига меҳр қўйган, тажрибали кишилардир. Кейинги пайтда аҳоли талабларини ҳисобга олиб, нон турларини анча кўпайтирдик, унни қопсиз ташишни йўлга қўйдик. Корхонамизда 6 та замонавий омбор мавжуд. Ҳар бирида 18 тонна ун сақлаш имконияти бор. Бир кеча-кундузда 10-15 тонна нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга пешма-пеш етказиб берилмоқда. Ҳар ойда 6 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқараяпмиз. Шунинг 3,5-4 млн. сўми нақд пул сифатида корхонамиз кассасига тушаётир.

Ушбу фикрларга изоҳнинг ҳожати бўлмаса керак. Дарҳақиқат, ҳозир «олма пиш, оғзимга туш» қабилида қўл қовуштириб ўтирадиган пайт эмас. Бозор шароитида иш юритиш хизмат маданиятини оширишни, савдо корхоналари ўртасидаги ички хўжалик муносабатларини такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Қибрайлик кооператорлар буни қалбдан ҳис этиб, халқ фаровонлигини ошириш йўлида сидқидилдан меҳнат қилаяптилар. Доимий изланиш, тадбиркорлик ва ташаббускорлик туфайли мавжуд қийинчиликлар қадамбақадам бартараф этиляпти. Туманда 144 та савдо тармоғи мавжуд бўлиб, ҳозиргача шундан қариб 70 таси хусусийлаштирилган. Ўзаро иқтисодий муносабатлар дўкон соҳиблари билан матлубот-ҳиссадорлик жамияти ўртасида тузилган икки томонлама шартнома асосида амалга оширилади. Бундай яқин ҳамкорлик савдо оборотини яхшилашда қўл келаётир. Ўтган ярим йил давомида туман аҳолисига 56 млн. 500 минг сўмлик савдо хизмати кўрсатилди. Жамиятга қарашли корхоналарда 2130 тонна кенг истеъмол моллари ишлаб чиқарилди. Булар, асосан, нон ва макарон маҳсулотларидир.

Суратларда: «Қибрайнон» ҳиссадорлик жамиятига қарашли янги фирма дўконининг умумий кўриниши; дўконда савдо пайти.

АКЦИЯ — ҚЎШИМЧА ДАРОМАД МАНБАИ

— Тижоратчилик биз ўзбекларга отамерос касб, — дейди Паркент тумани матлубот-ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси С. Йўлдошев. — Қадим ўтмишда элларни элларга, дилларга боғлаган «Буюк ипак йўли»ни эсланг. Аждодларимиз бу йўллардан Ироқу Ажам, Хиндистону Хитой, Эрону Румга қатнаб маҳаллий бозорни ноёб моллар билан тўлдиришганига, Туронзаминни обод ва файзиёб қилиш учун нечоғлик саъй-ҳаракатлар кўрсатишганига тарих гувоҳ. Биз ўша савдогар боболаримизнинг ворислари эканмиз, уларнинг анъаналарини муносиб равишда давом эттиришимиз, қутлуғ ва шарафли касбнинг шаънини муқаддас билишимиз лозим. Чунки бугунги юксак талабларни кечаги куннинг мезони билан ўлчаб бўлмайди. Мамлакатимизда туб ўзгаришлар амалга оширилиб, янги иқтисодий муносабатлар қарор топмоқда. Мулкдорлар синфи шаклланаяпти. Бу жараёнда савдо ходимларининг ўрни нимадан иборат? Бир нарса аниқ: ички бозорни барқарорлаштириш, мўлкўлчилик яратиш йўлида сидқидилдан хизмат қилиш, аҳолини озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари билан мунтазам таъминлаш муштарак ишимиздир.

— Матлубот жамияти ҳиссадорлик жамиятига айлантирилгач, туман аҳолисига савдо хизмати кўрсатишда сезиларли натижаларга эришилгандир?

— Шак-шубҳасиз. Илгари барча соҳада бўлгани сингари бизда ҳам давлат якка мулкчилиги ҳукмрон эди. Эндиликда ҳар ким ўз «арава»сини ўзи тортишга мажбур. Яъни, ким кўп ишласа, шунча кўп фойда олади. Шахсий дўкондорларни айтмайсизми! Пештахталарни сархил молларга тўлдириш учун эртаю кеч тиним билишмайди. Биз улар билан ўзаро шартнома асосида иш юритамиз. Хусусийлаштириш, савдо тизимини ислоҳ қилишнинг афзаллиги эркин фаолият ва тадбиркорлик ҳаракатида яққол намоён бўлмоқда. Фикримни қуйидаги мисоллар билан изоҳламоқчиман. 1995 йилда 46 та савдо, 8 та умумий овқатланиш шахобчалари тармоқдаги ходимларга хусусий мулк қилиб берилди. 350 минг сўмлик капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Шунингдек, жойларда 3 та тегирмон, янги новвойхона қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Ҳиссадорлик жамиятимиз ўз сафига 624 кишини бирлаштирган. Уларнинг куч-ғайрати ва жонбозлиги туфайли аҳолига етказиб берилаётган маҳсулотлар оқимида узилиш бўлишига йўл қўйилмаётир. Ўтган ярим йилда чакана мол айирбошлаш ҳажми 46.424 минг сўмни ташкил этди. 1 млн. 071 минг сўм соф фойда олинди. Бу кўзда тутилганидан анча зиёддир.

— Жамоа аъзоларининг қимматли қоғозларга муносабати ва қизиқиши қандай?

— Шуни мамнуният б и л а н таъкидламоқчиманки, биз вилоятда биринчилардан бўлиб ўз акцияларимизни чиқардик. 3340 та қиймматбаҳо қоғознинг 768 минг сўмлиги жамоа аъзоларига сотилди. Қолгани фонд биржаларига қўйилган бўлиб, ўз харидорини кутмоқда. 1995 йилда олинган фойдадан ҳиссадорларга юз фоиз миқдорида дивиденд тўланди. Акция — қўшимча даромад манбаи эканлигига тўла ишонч ҳосил қилдик, дейишмоқда улар.

ХАЙРЛИ ИШЛАРДАН БИР ШИНГИЛ

Юқори Чирчиқ туманида 102 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг кундалик эҳтиёжини, дастурхонини қондириш осон кўчаётгани йўқ. Аммо савдо ходимлари ўз мақсадлари йўлида собит, хизматга ҳамиша шай. Уларнинг куч-ғайрати, тадбиркорлиги туфайли пештахталарда истеъмол учун зарур моллар кўпайиб бораяпти. Пулингиз бўлса, марҳамат, хоҳлаганингизни сотиб олаверинг. Бозор шароитида пул топиш учун эса ақлни ишлатиш, тер тўкиб меҳнат қилиш лозим. Тумандаги дўконларга қадам ранжида қилсангиз, сизни илиқ сўз, хушмуомалалик билан кутиб олишади. Чунки савдо маданияти, бу аввало, яхши муомала, самимий илтифот демакдир. Инсон қалби дарахт япроғига ўхшайди. Бир оғиз ноҳўя сўздан озор чекса, анчайин илтифоту эътибордан баҳор қуёшида яйраган япроқдек ҳузурланади. Туманда бундай ширинсухан, маданиятли сотувчилар жуда кўп. Уларни номма-ном санаб, вақтингизни олмоқчи эмасмиз. Яхшиси, амалий фаолият кўзгуси бўлган рақамларга мурожаат қилайлик.

Жорий йилнинг ярми якунланди. Шу давр мобайнида туман аҳолисига режадагидан анча зиёд ёки 74.086 млн. сўмлик савдо хизмати кўрсатилди. Жамиятга қарашли корхоналарда 1900 тонна нон ва нон маҳсулотлари, 13,4 декалитр чанқовбосди ичимликлар, 8,4 тонна музқаймоқ, 2,9 тонна дудланган балиқ, 14,5 тонна турли хил ширинликлар ишлаб чиқарилди.

Бу — туман кооператорлари амалга ошираётган хайрли ишлардан бир шингили, холос. Ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Ж. Зокировнинг айтишича, аҳолидан ортиқча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва қайта сотиш изчил йўлга қўйилган. Иқтисод ва тежамкорлик қонуниятларидан келиб чиқилиб, бир йил ичида штатлар 167 тага қисқартирилди. Келажакдаги режалар ҳам катта. Ўрта ва кичик бизнесни ривожлантиришга эътибор кучайтирилади. Ҳар кеча-кундузда 1 тонна унни қайта ишлаш қувватига эга бўлган янги тегирмон қуриш ва мавжуд макарон цехини иккитага етказиш мўлжалланмоқда. Бунинг учун маблағ етарли, зарур ускуналар келтириб қўйилган.

Носир ТОШЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ислоҳотлар йўлида

КЎЧМАС МУЛК ВА САРМОЯЛАР АГЕНТЛИГИ: ДАСТЛАБКИ ҚАДАМЛАР

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг туб моҳиятини ташкил этади. Хусусийлаштириш жараёни турли йўллар билан амалга оширилади. Улардан бири танлов йўлидир.

Тошкентда аҳолига маҳсулотни нақд пулга сотувчи автомобиль ёнилғиси қўйиш шохобчасини сотиш бўйича ҳудди шундай танлов ўтказилди. Бу тадбир республика Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг янги бўлими — кўчмас мулк ва сармоя агентлиги томонидан амалга оширилди. Танловдан мақсад — хорижий сармояни мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этишдан иборат эди. Унинг иштирокчилари ҳам шунга мувофиқ тарзда аниқланди. Унга бир неча қўшма корхоналар, шунингдек, хорижий ҳуқуқий ва жисмоний шахслар кирди. Сотувга Тошкент вилоятида жойлашган бир неча ёнилғи қўйиш шохобчаси қўйилди.

Танлов шартига мувофиқ, сотиб олинадиган иншоотни янги техник ускуналар билан жиҳозлаш, санитария-маиший, ёнғиннинг олдини олиш тартибқоидалари ва экологик меъёрларга қатъий амал қилиш каби замонавий талабларга амал қиладиган даъвогарларгина ёнилғи қуйиш шохобчаларига эгалик қилиш ҳуқуқини қўлга киритди. Танловнинг яна бир муҳим шарти шуки, автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаси кеча-кундуз ишлаб туриши лозим.

— Мулкнинг янги эгаси сотиб олинган иншоотни давр талаби даражасида такомиллаштириши зарурлиги танловнинг муҳим шартларидан бири қилиб қўйилгани бежиз эмас, — дейди кўчмас мулк ва сармоя агентлиги бош директори Баҳром Мусобеков. — Хизмат кўрсатиш соҳасидаги корхоналар аҳоли эҳтиёжини ҳар томонлама қондириши лозим. Танлов ҳайъати муҳокамасига топширилган лойиҳаларда бу жиҳатлар батафсил ёритилган. Уларнинг кўпчилигида ёнилғи қуйиш шохобчалари ёнида ҳордиқхона, тамаддихона очиш ва турли маиший хизмат кўрсатиш ишларини бажариш кўзда тутилган. Иншоотларни ҳар тарафлама, жумладан, экологик жиҳатдан ҳам мутлақо хавфсиз замонавий ускуналар билан жиҳозлаш режалаштирилган. Шунингдек, лойиҳаларда ёнилғи қуйиш шохобчасига кириб-чиқиш йўлларини яхшилаш ва иншоотнинг ташқи кўринишига алоҳида эътибор бериш ҳам ҳисобга олинган.

Бу тадбир хорижий сармоядорлар иштирокида республикамизда ёнилғи қуйиш шохобчаларини сотиш бўйича ўтказилган дастлабки танловдир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 20 мартда қабул қилган «Аҳолига нақд пулга автомобиль ёнилғиси сотувчи республика автомобиль ёнилғиси қуйиш шохобчаларини хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қарори бу соҳада кенг хусусийлаштириш ишларини бошлаб юборишга туртки бўлди. Май ойи охирида республикамизда 436 та ёнилғи қуйиш шохобчаси бор эди. Ҳозиргача улардан 150 таси сотилди.

Танлов яқинидагина ташкил этилган агентлик томонидан амалга оширилган дастлабки йирик тадбирдир. Мазкур агентликнинг вазифаси — тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва кўчмас мулк бозорини ривожлантириш орқали мамлакатимизда бозор муносабатларини қарор топтиришга қаратилган давлат сиёсатини амалга оширишга кўмак беришдан иборат. Агентлик турли кўчмас мулк — ҳовли-жой, саноат шохобчалари ва бошқа ҳар хил иншоотларни сотиб олиш ва сотиш билан шуғулланади. Зарур ҳолларда уларнинг қурилиш ва таъмирлаш ишларини маблағ билан таъминлашда ёрдам беради. Агентликнинг фаолият доираси жуда кенг — танловлар, кимошди савдоси ва бошқа савдолардан иборат. У хорижий сармояларни мамлакатимиз иқтисодиётига жалб қилади ҳамда маҳаллий корхоналарнинг акцияларини хорижий фирмаларга сотади. Бу ишлардан тушган фойда республикамиз иқтисодиётида фаолият кўрсатаётган давлат ва хусусий секторларни ривожлантиришга сарфланади.

Кўзланган ишларни муваффақиятли амалга ошириш учун, энг аввало, бозор эҳтиёжини билиш лозим. Шу сабабдан, агентлик мутахассислари маълумотлар банкини ташкил этишга киришди. Бу ерда сотиладиган иншоотлар ҳамда сотиб олувчилар ҳақида маълумотлар йиғилади. Юксак технология асосида ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига доир сармояга муҳтож истиқболли лойиҳалар тўғрисидаги маълумотлар тўпланади. Яқин орада мамлакатимизнинг турли жойларида ҳамда хорижий мамлакатларда ҳам агентликнинг бўлим ва ваколатхоналарини очиш режалаштирилмоқда.

Бу дастурнинг амалга ошиши — бозор муносабатлари асосида қудратли иқтисодиётга эга бўлган янги жамиятни қуриш сари ташланган муҳим қадамлардан бири бўлади.

А. ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

СУЛОЛА САРДОРИ



Кўҳна Шарқда аҳли табобат санъаткор даражасида қабул қилинган, энг яхши шифо усуллари ажойиб шеърий битикларда баён қилиб берилган. Бироқ тарихга чуқурроқ назар солсак, бундай қарашлар табиий бир ҳол саналганлигининг гувоҳи бўламиз. Эрамизга қадар V-IV асрларда яшаб ўтган антик тиббиёт асосчиси Гиппократнинг қайдларига эътибор қилинг-а: «Табобат ҳамма санъатлар ичида энг олижаноб санъатдир».

Демак, санъат даражасида деб эътироф этилган шифокорлик ҳунарининг моҳир соҳиби бўлиш бениҳоя мураккаб юмуш эканлиги ушбу қайдларимизнинг ўзиданоқ аён бўлиб қолади.

Тошқул Ўрозов қариб қирқ йилдан буён ана шу соҳада ишлаб келаяпти. Йиллар давомида касбига муҳаббат дардини оила аъзоларига ҳам «юқтириб» улгурган шекилли, ҳозир у кишининг укаси Маъмур, қизи Жамила, ўғли Муҳиддин, келини Ҳикоят — бари-бариси олий маълумотли шифокор, яна бир фарзанди Муборак эса ҳамшира. Оилавий шифокорлар пойтахт вилоятининг Янгийўл, Чинозу Тошкент шаҳрининг Сирғали туманларида ишлашади.

Тошқул ака ўн йилдан кўпроқ давр мобайнида «Тез ёрдам»да ишлаган. Даволамаган дарди қолмаган ҳисоб. Яқин ўн йилдан бери эса пойтахт тери касалликлари диспансерининг Сирғали туманида жойлашган хўжалик ҳисобидаги «Ишонч» муолажахонасини бошқариб келмоқда.

Дард, шифо — унчалик одамни қизиқтирадиган мавзулар эмас, албатта. Лекин Тошқул ака билан суҳбатлашиб, зерикмайди одам. У ёғи Америка, бу ёғи Европа, ора-орада Осиё ҳам аралашиб қолади — табиийки, мавзу бу жойлардаги тиббий хизмат даражаси ҳақида. Ҳали бизга анчайин нотаниш бўлган, давр тақозосига кўра ҳаётимизга эндиэнди кириб келаётган суғурта тиббиёти, оила врачи хусусидаги тўлиқроқ маълумотларни ҳам у кишидан олдик: АҚШда ўз соғлигини энг ишончли капиталдай авайлаб-асрайдиган фуқароларнинг аксар қисми жисмоний тарбия, спорт билан бунчалар жиддий ва астойдил шуғулланишининг боисини англагандай бўлдик; бамисоли Навоий ҳазратларининг «Сиҳат тиласанг кўп ема, Иззат тиласанг кўп дема» деган пурҳикмат байтига амал қилган ҳолда, кам, лекин сифатли еб, кам гапирадиган... японларнинг бунчалик узоқ умр кўришининг сабабларини ҳам сал-пал илғадик... Ёнинки, чойхонада ёғли паловни бўкиб қолгунча еб, сўнг уч кун ошқозонни чангаллаб юргандан кўра, тоза ҳавода бир соатгина сайр этиш инсон жисми ва руҳиятига нақадар самарали таъсир қилиши ҳақида айниқса шифокор Ўрозов кўп ва хўп гапирди...

— Биз ҳеч бир нарсага ўз соғлигимизга бўлгандай шафқатсиз муносабатда бўлмаймиз, ахир. Гўё соғлик бизга абадий бериб қўйилган неъматдай сира унинг қадрига етмаймиз. Вақт ўтиб, гишт қолиптан кўчгач эса, дудимиз осмонга ўрлаб, югурганимиз-югурган. Ҳолбуки, деярли барча касалликларнинг олдини олса бўлади. Келажак ҳам олдини олувчи тиббиётники, дейишади-ку, ахир. Гапларим сизга жуда содда бўлиб кўринмасин, аммо кўп касалликларнинг олдини олиш кенг маънодаги гигиенага жуда боғлиқ. Бу нима дегани. Шахсий гигиена, оила гигиенаси, экология гигиенаси... Хуллас, ўтган асрда яшаб ўтган Григорий Захарьин деган бир ҳамкасбимиз вақтида жуда ўхшатиб айтганидек, даволовчи шифокор тажрибаси оша борган сари гигиенанинг қудратини ва дори-дармоннинг нисбатан заифлигини кўпроқ тушуна бошлайди. Мен бу оддий ҳақиқатни шифокорлар қатори барча элатдошларимиз ҳам тезроқ англаб етишларини истардим.

Замон, айниқса, бозор иқтисоди кўринмас, лекин қудратли омиллари билан онгу шууримизда ўзгаришлар ясамоқда. Бундан етти-саккиз йил муқаддам «пуллик тиббиёт», деса кўпчиликнинг энсаси қотарди. Мана, бир неча йилдирки Т. Ўрозов хўжалик ҳисобидаги «Ишонч» муолажа хонасини бошқармоқда. Бу ерга истаган одам келиб, исм-фамилиясини айтмасдан, ҳужжат кўрсатмасдан, ўзини текширувдан ўтказиши мумкин. Анализлар салбий чиқса беморга даволаниш курсини ўташ таклиф қилинади.

— Биз бежиз хўжалик ҳисобига ўтмадик, — дейди Тошқул ака касаллик варақаларини бир-бир кўрсатаркан.— Тадқиқотларимиздан маълум бўлдики, тери-таносил касалликларини тузатишга оддий касталикларга қараганда уч баробар кўпроқ дори-дармон кетаркан. Ҳалиям, ҳукуматимизга раҳмат, керакли жиҳозлар, хориж ускуналари билан бепул таъминлаб қўйган. Бироқ ҳукумат ғамхўрлигини суиистеъмол қилавериш ҳам ярамайди.

Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 18 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида акциз маркаларини жорий этишга тайёргарлик кўриш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги 256-сонли қарорига мувофиқ 1996 йил 1 октябрдан бошлаб республикамизда ишлаб чиқариладиган ва унинг ҳудудига четдан келтириладиган тамаки маҳсулотлари ва пиводан ташқари барча спиртли ичимликларни мажбурий равишда акциз маркалари билан маркалаш жорий этилади. Юқорида белгиланган муддатдан бошлаб уларни акциз маркаларисиз сотиш таъқиқланади.

Акциз маркалари Ўзбекистон ҳудудига тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликларнинг ноқонуний келтирилишининг, ноқонуний тарзда ишлаб чиқарилиши ва сотилишининг олдини олиш, акциз солиғи тўловларининг бюджетга тўлиқ ундирилишини таъминлаш мақсадида жорий этилмоқда. Ҳозир қизғин тайёргарлик ишлари кетмоқда.

Шу муносабат билан маркаланиши лозим бўлган тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликларни ишлаб чиқарувчи ҳамда шу маҳсулотларни четдан келтирувчи юридик ва жисмоний шахслардан зарур ташкилий ва тайёргарлик ишларини ўтказишни сўраймиз.

Акциз маркаси жорий этилиши билан боғлиқ барча масалалар бўйича ўзингиз рўйхатда турган солиқ инспекцияси ва божхона хизматига мурожаат қилишингиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси
Давлат солиқ қўмитаси
матбуот хизмати

"ВЕТДОРИ" ФИРМАСИ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРХОНАЛАРИДАН ҚУЙИДАГИ ДОРИЛАРНИ АРЗОН НАРХЛАРДА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

ПУЛВМОКИТ (корамол,қўй ва эчкиларда микроб касалликларига қарши қўлланилади)
КИТАФУРАЛ (паррандачилик учун)
КОЛИБРИОН (турли хил жониворларни даволашга мўлжалланган)
СУИ-ФЕР (инъекция қилинадиган декстран темир эритмаси)
ВИТЕР-ЧОККЕ (жониворларга ичириладиган А,Д3,Е,С,К витаминлари эритмаси)
ЭНЗАПРОСТ (инъекция қилинадиган гармонли дори)
ВЕТРИМОКСИН ЛА (чорва ва уй ҳайвонлари учун инъекция қилинадиган бактерицид антибиотик)
ФЕРВЕТРИН 20%ли (темир таркибли, инъекцияга мўлжалланган)
ТЕТРАВЕТ ЛА (корамол,қўй ва эчкиларга инъекция қилинадиган витаминлар ва аминокислоталар мажмуи)
ИНТРАМИЦИН (от,қорамол,қўй, эчки ва бошқа уй ҳайвонларига инъекция қилинадиган универсал бактерицид антибиотик)
ДИСТИОСИКС (мускул пардаси шамоллашига қарши инъекция қилинади)
СУЛЬФЕТРИМ (инъекция учун: таркибида антибиотик ва икки сульфаниламид бўлган, таъсир доираси кенг,комплекс антимикроб)
БЕРИНИЛ (инъекция учун)
ОКСИТОЦИН (инъекция қилинадиган гармон дори)
АЛЬБЕНЗОЛ 10%ли (суспензия, суюқ ҳолатда)
БОЛЪФО-СПРЕЙ (уй ҳайвонлари сақланадиган жойларни дезинфекция қилиш учун)

Шунингдек, буюртма бўйича бошқа зарур ветеринария дори-дармонларини ҳам арзон нархларда етказиб берамиз.

Телефон: 41-08-66.

"Ўзтоминтеграция"
Узбекистон-Россия қўшма корхонаси

Тошкент шаҳридаги омборидан бой ассортиментда

DAEWOO *рўзғор техникасини, шу жумладан видеоиккиликни 30.000 сўмдан 32.000 сўмгача нархда сотади.*

Турли хил сийловлар бўлади, ҳақини векселда тўлаш ҳам мумкин.

Шунингдек, ҳамма турдаги металл прокатлари, пайвандлаш электродлари, Россияда ишлаб чиқарилган юк автомашиналари учун шиналар, кабель маҳсулотлари ДСП, ДВП, тахта-ёғочлар сотилади.

Мурожаат учун телефонлар:
(3712) 50-91-33, 50-91-42. Факс: 50-40-49.

Истиқлол календари

1991 ЙИЛ 28 ОКТЯБРЬ

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси ва Украина ўртасида давлатлараро муносабатларнинг асослари тўғрисидаги шартнома имзоланди.

* * *

1991 ЙИЛ 6 НОЯБРЬ

Тошкентда «Ўзбекистон Республикаси билан Беларусь Республикаси ўртасидаги давлатлараро муносабатларнинг асослари тўғрисида»ги шартнома имзоланди.

* * *

1991 ЙИЛ 13 ДЕКАБРЬ

Туркманистон пойтахти Ашгабат шаҳрида Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркманистон республикалари ўртасида «Тежен—Серахс темир йўлини қуришда иқтисодий ҳамкорлик қилиш тўғрисида»ги битим имзоланди.

* * *

1991 ЙИЛ 16 ДЕКАБРЬ

Қардош Туркия Республикаси дунёда биринчи бўлиб Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини расман эътироф этди. Шундан сўнг орадан бироз вақт ўтгач, Туркия Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги алоқаларнинг асос ва мақсадлари тўғрисидаги шартнома, савдо ҳамкорлиги тўғрисидаги битим, Аҳдлашув протоколи ҳамда маданият, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт ва туризм соҳаларида ўзаро ҳамкорликлар тўғрисидаги битимлар, бошқа расмий ҳужжатлар имзоланди.

* * *

1991 ЙИЛ 30 ДЕКАБРЬ

Ўзбекистонда Марказий Осиёда биринчи марта муқобиллик асосида ўтган Президент сайлови якунлари Марказий сайлов комиссияси томонидан эълон қилинди. Сайловда 86 фоиз сайловчилар Ислом Каримов номзодини ёқлаб овоз бериши натижасида у Ўзбекистон Республикасининг Президенти этиб сайланди. Шунингдек, республика референдуми якунлари эълон қилинди ва овоз беришда қатнашганларнинг 98,2 фоизи Ўзбекистон Мустақиллигини ёқлаб овоз беришди.

1996 йил — Амир Темур йили

БИСОТИНГИЗНИ ДАРИҒ ТУТМАНГ

ёки дурдоналар умри боқийлигининг ишончли йўли

Пойтахтда қад ростлаётган Темурийлар тарихи давлат музейини келгусида Метрополитен (АҚШ), Лувр (Франция), Эрмитаж (Россия) каби дунёнинг энг бой ва бетимсол мозийгоҳларидан бўлишини ҳаммамиз орзу қиламиз.

Бу порлоқ тилакнинг амалга ошиши эса ҳар биримизга ҳам боғлиқ. Нима дейиш мумкин, оддий буюмнинг умри инсон ҳаётидан бир неча баробар узун. Амакимникида шундай чинни лаган бор. Нақд беш кило гуручнинг оши жойлашади. Кўкиш рангдаги мазкур идиш четларига хитойи безаклар ишланган, чертса беғубор овоз чиқаради. Энг охирги гуручгача ҳароратини сақлайди. Ўзларича «полвон товоқ» аталувчи бу ашёни катта бобомиз савдогардан бир қўйга алмаштириб олган экан. Бобомизнинг, ҳатто тўнғич ўғилларининг бандаликни бажо келтирганларига анча йил бўлди, бироқ шу уруғнинг тумори ҳисобланган ўша лаган ҳамон давраларни айланиб юрибди.

Масаланинг яна бир томони бор. Шаҳрисабзлик Муборакхон опанинг изтироби ҳамон кўз олдимдан кетмайди. Уларнинг оиласида кўз қорачиғидек сақланиб келинаётган аёллар тиллақоши бўлган. Қадимги (балки Темур давридаги усталарнинг) ҳақиқий санъатини мужассамлаштирган бу дурдонанинг дарагини шаҳар «раҳбари» эшитиб қолади-да, мажбурлаб олиб келтиради. Кейин йўқотиб қўйибман, деган баҳона билан қайтариб бермайди. Бундай мисоллар кўп учрайди. Нафсиламрини айтганда, ўзида мубҳам бор тарихни сақловчи бундай ашёлар қўплаб хонадонларда мавжуд. Мабодо, улар маълум жойга тўпланса, салмоқли бойлик ҳосил бўлиши шубҳасиз. Бу ҳолни кўпчилик ўз тажрибаси орқали ҳам тасдиқлаши мумкин: мактабда ўлкашунослик музейи ташкил этилганда, айтиш мумкинки, етти ухлаб тушга кирмаган нарсалар — мисгарлик, зардўзлик буюмлари, аёллар тақинчоқлари, танга пуллар, меҳнат қуроллари тўпланиб қолганди. Ҳолбуки, уларнинг ҳар бирида тарих мужассам. Олайлик, кумуш баркашдаги қайсидир унсур қадимги Хитой ёки Юнон билан бизнинг маданий алоқаларимизга гувоҳлик бериши мумкин.

Айни пайтда Темурийлар тарихи давлат музейига бисот йиғиш бошлаб юборилган. Ҳозирча республикадаги нигорхоналарда сақланаётган ашёлар аниқланиб, уларни пойтахтга олиб келиш йўллари кўрилаяпти. Жумладан, Термиздаги ўлкани ўрганиш музейи тарихимизга доир қўплаб намуналарни тақдим этди. Баъзи чет эллардаги мутасаддилар (масалан, Покистон ҳукумати) бу мавзудаги ашёларнинг ўзини ёки нусхасини топширишга бажонидил рози эканликларини билдирдилар. Бундай хайрли ишлар Ўзбекистон тарихи давлат музейи қошида ташкил этилган Темурийлар тарихи давлат музейи ишчи гуруҳи орқали амалга оширилмоқда. Шубҳасиз, бу ерда аҳолидан ҳам нодир тарихий буюмлар — ашёвий ёдгорлик намуналари, қўлёзма ва тошбосма асарлар, ноёб архив ҳужжатларини қабул қилиш (албатта, текинга эмас) ташкил этилган. Биз мутасаддиларга қўнғироқ қилиб, «Шундай жўмардлик кўрсатганлар борми?» деб сўрадик, бироқ иш яқинда бошлангани туфайли бу ишга ҳеч ким ҳозирча улгурмабди.

Гапнинг индаллоси — қўлимизда сақланаётган тарихий қимматбаҳо ашёларни абадий сақлашнинг энг ишончли йўли — уларни музейларга топшириштир. Ўтган кунлардан маълумки, замонлар гирдобида қанчалар нодир санъат намуналари беҳуда йўқолиб кетди ёки четга ташиб кетилди. Истиқлол шарофати билан келажак авлодлар учун ўтмиш дурдоналарини барқарор сақлаш имкони юзага келган экан, бу эртанги кун умиди билан яшаётган ҳар қандай маърифатли одамни бепарво қолдирмайди.

Ҳ. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«БИЗНИНГ ҲАМ СОВҒАЛАРИМИЗ БОР»

дейди Халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси бошқаруви раисининг ўринбосари Калон ШОДИЕВ:

— Озод юртимизда биринчи марта ташкил қилинган ва қуйи босқичларда юксак савияда ўтган «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик-танлови кўплаб янги истеъдодларни кашф қилди. Энди яхшиларнинг энг яхшиси республика миқёсида беллашадиган фурсат ҳам етишди. Биз танлов жараёнида Ватанимизни, меҳнаткаш халқимизни, номи шонли шуҳратларга бурканган фахрли аждодларимизни улуғловчи кўплаб қўшиқлар яратилганидан хабаримиз бор. Уларнинг аксарияти халқимиз дилига сингиб, ҳамма жўр бўлиб куйлайдиган мақомларга эришади, деган умиддамиз. Ана шу ҳолни ҳисобга олиб, Халқаро хайрия жамғармамиз ҳам миллий ғурурни улуғлайдиган, тингловчи қалбида буюк Ватан шарафидан ифтихор ҳисларини қўзғайдиган энг яхши қўшиқлар учун махсус мукофотлар таъсис этишга қарор қилдик. Албатта, бундай совринларни соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланаётган йилда қўлга киритиш ижодкор учун катта муваффақият бўлиб қолади.

Гапнинг индаллосини айтганда, буюк давлат арбоби, илм-фан ва санъат ҳомийси Амир Темур ҳазратларининг катта тўйи нишонланадиган йилда бу борадаги амалий ишларга катта мадад бериш мақсадида шу йил 14 мартда республика Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган «Халқаро Амир Темур жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги қарор фаолиятимизда янги босқични бошлаб берди. Кўрсатилган ғамхўрлик туфайли биз республикамиз ижтимоий ҳаётига фаол аралашиш имкониятига эга бўлдик. Бобокалонимиз қутлуғ санасига бағишланган муносиб тайёргарликда ўзимизнинг сезиларли ҳиссамизни қўшиб келаяпмиз. Ҳазратнинг таваллуд кунлари муносабати билан ўтказилган тадбирларни бу йил биринчи марта моддий жиҳатдан қўллаб-қувватладик. Қутлуғ санага бағишлаб ўн минг дона тақвим нашр этдик. Республика Халқ банки билан ҳамкорликда тайёрланган «Хазина» пулбуюм лотереяси ҳаракатларимизга молиявий қувват бағишлайди.

Халқаро жамғарманинг тузилгани юртимизда ва чет элларда мамнуният билан кутиб олинди. Ҳозирча Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах, Андижон, Наманган вилоятлари ва Шаҳрисабз шаҳрида бўлимлар ташкил қилинди. Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган чет эл элчихоналари билан яқин муносабат ўрнатиб, Покистон, Эрон, Германия, АҚШ каби мамлакатларда хорижий бўлимлар очиш тадориги кўрилмоқда. Бизнинг таклифларимизни чет эллик мутасадди ходимлар мамнуният билан қабул қилишди.

Жамғарма низомида қадимий касб-ҳунарларни тиклашга ёрдамлашиш, хорижий мамлакатларда сақланаётган Темурийлар даври осориатиқаларини излаб топиш, сайёҳликни ривожлантириш, ноширлик ишлари билан шуғулланиш, халқаро учрашувлар ўтказиш каби тадбирлар ҳам белгилаб қўйилган. Бу борада ҳам ишларимиз олға силжимоқда. Айниқса, «Ўзбеккино» давлат ҳиссадорлик компанияси, Маданият ишлари вазирлиги, Фанлар академияси билан ҳамкорликда суратга олинаётган бадиий фильмнинг муваффақиятини таъминлаш учун жамғарма яқиндан кўмаклашмоқда. Энг яхши телефильмлар сценарийси учун эса 80 минг сўм миқдорида мукофот ажратганмиз. Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳам фаолиятимизнинг муҳим қисмидир. Айни кунларда 17-21 октябрь кунлари ўтказиладиган Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган халқаро анжуманга тайёргарлик билан машғулмиз. Хуллас, Халқаро Амир Темур хайрия жамияти ўлкамизда бошланган кенг қамровли маърифий ва маънавий тадбирларда асосий ташкилотчилардан бўлиб қолади.

Халил СУЛТОН ёзиб олди.

СПОРТ · СПОРТ · СПОРТ • СПОРТ · СПОРТ · СПОРТ

СПАРТАКИАДА СПОРТ БАЙРАМИГА АЙЛАНИБ КЕТДИ

Уч кун давомида Гулистон шаҳрининг марказий стадиони республикамизнинг турли бурчакларидан келган қишлоқ меҳнаткашлари спорт делегациялари ва мухлислар билан гавжум бўлди. Соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейи ва Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллигига бағишланган республика қишлоқ меҳнаткашлари спартакиадаси, айтиш мумкинки, ўзига хос спорт байрамига айланиб кетди.

Республика марказий оммавий ахборот воситалари вакилларидан иборат гуруҳ шаҳарнинг марказий стадионига мусобақалар айни авжига чиққан паллада кириб борар эканмиз, стадион кўркига ўзига хос шукуҳ ва салобат бахш этган алпомиш келбат ўзбек ўғлонларига, билакларида қуч, жисмида шижоат жўшиб турган қишлоқ аҳлининг сарвқомат, баҳодир паҳлавонларига боқиб, дилимизда ҳавас ва барваста ўзбек йигитлари билан фахрланиш туйғуларини ҳис этдик. Ҳа, мамлакатимиз қишлоқ меҳнаткашлари йил бошидан буён аввал хўжаликлараро, сўнг туманлараро спартакиада мусобақалари майдонига чиқиб, Гулистонга ўзларининг энг сара ўғлонларини юборишганди. Билаклари дала меҳнатида чиниққан, руҳлари азал-абад ота-боболардан мерос бўлиб келаётган миллий ғурур анъаналари билан суғорилган алпомиш эли авлодларининг майдон узра қўлоч ёзиб, кўкрак кериб ҳар бир чиқишидан азалий қадриятларимиз, удумларимиз яна қайта тикланаётганлигидан мамнунлик, сархушлик, бахтиёрлик аломатларини сезиш мумкин эди.

Мусобақалар давомида қайси бир қатнашчи билан мулоқотда бўлмайлик, улар қишлоқ меҳнаткашлари учун алпомишона беллашувларга замин яратган, қишлоқ меҳнаткашлари спартакиадасини ташкил этган ташаббускорларга ва унинг финал мусобақаларини юқори савияда уюштирган ҳамда мусобақаларни ўтказишга бош-қош бўлган Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Агросаноат мажмуи ишчилари касаба уюшмаси марказий қўмитаси, вилоят ва туман касаба уюшмалари, Сирдарё вилоят ҳокимлигига ўзларининг самимий миннатдорчиликларини билдиришди.

Бевосита мусобақа натижаларига қайтадиган бўлсак, фарғонача кураш беллашувларида водийнинг уч вилояти полвонлари пешқадамлик қилишди. Фарғоналиклар бу миллий кураш тури бежизга «фарғонача» деб юритилмаслигини исботлаб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди. Андижонлик полвонлар иккинчи, наманганликлар учинчи мукофотга сазовор бўлишди.

Бухороча кураш беллашувларида эса қашқадарёлик полвонларнинг қўли баланд келди. Паҳлавон Маҳмудга қавм бўлган қорақалпоқ полвонлари иккинчи, Сурхондарё алпомишлари учинчи ўринни қўлга киритишди.

— Биз миллий курашимизни халқаро майдонга олиб чиқиш учун ҳаракат қилаётган эканмиз, аввало, фарғонача қурашнинг ҳам, бухороча қурашнинг ҳам қатъий қонун-қоидаларини, назариясини ишлаб чиқишимиз керак, — дейди ўз вазн тоифаси бўйича спартакиада голиби бўлган қорақўллик полвон Охун Самандаров. — Аниқ бир қонун-қоидалар бўлмагани боис, баъзан голибни аниқлаш масаласида икки хил қараш, нуқтаи-назар юзага келаяптики, натижада ҳакамларнинг ён босиши ҳал қилувчи рол ўйнаяпти ва бу кўпчиликни баҳс-мунозарага чорлаяпти.

Миллий халқ ўйини — арқон тортишув беллашувлари, айниқса, кўпчиликнинг эътиборини тортди. Мусобақада 13 та жамоа қатнашганлиги боис майдон эгаси сифатида сирдарёликлар ярим финалдан бошлаб беллашувга киришишди. Улар аввал наманганликларни, сўнг фарғоналикларни енгиб, бош соврин билан тақдирланишди. Кўпчилик олқишини олган фарғоналик полвонлар (арқон тортишувда курашчилар қатнашишди) иккинчи ўрин билан қифояланишди. Учинчи ўрин наманганликларга насиб этди.

— Футболсиз ҳеч бир йирик мусобақа томошабинлар учун қизиқ эмас, — дейди Қашқадарё вилоят касаба уюшмасининг жисмоний тарбия кенгаши раиси Санақул Эшонқулов. — Ўзбеклар футболни бразилияликлардан кам яхши кўрмаса керак-ов. Қишлоқ меҳнаткашлари спартакиадасининг вилоятимизда ўтказилган дастлабки уч босқич, яъни хўжаликлараро, ташкилотлараро, туманлараро спартакиада мусобақаларидан ҳам футбол алоҳида ўрин эгаллади. Бешкент пахта тозалаш заводи йигитлари вилоят спартакиадасида голиб чиқди ва улар республика спартакиадасида Қашқадарё меҳнаткашлари спорт шарафини ҳимоя қилишди. Финалда сирдарёлик мини-футболчиларга ютқазиб қўйдик ва иккинчи ўрин билан қифояландик. Умуман олганда республика спартакиадаси менга, айниқса, ташкилий жиҳатлари билан жуда ёқди. Вилоятдан жами 34 киши келгандик. Уларнинг ҳаммаси бундай мусобақанинг юзага келганидан жуда мамнун. Менимча, бундан кейинги қишлоқ меҳнаташлари спартакиадасига шаҳарликларни аралаштирмаслик керак. Чунки қишлоқ спортчилари билан шаҳар спортчиларига яратилган шарт-шароитлар ўртасида жуда катта фарқ бор. Бу, албата, натижаларга ҳам таъсир қилади. Биз, айниқса, Наманган ва Тошкент вилояти вакиллари орасида шаҳарлик спортчиларни кўпроқ учратдик.

Вилоят қишлоқ меҳнаткашлари спартакиадаси ҳам юқори савияда ўтди. Мусобақалар давомида биз фақат бир камчиликка дуч келдик, яъни спорт кийимлари ва анжомларига катта эҳтиёж сездик. Қаерга борманг спорт дўконлари ғариб, бор маҳсулотлар сифатсиз.

Пастдарғомлик полвон Илғор Тоштурдиев, ургутлик полвонлар Ҳазрат Дўстов ва Зармас Бобожонов ҳам биз билан суҳбатда спорт кийимлари ва анжомлари танқислигини эътироф этишди. Оддий колхозчи Зармас Бобожонов кейинги йилларда республикамизда спортга эътибор жуда қучаётганлигидан, шунинг натижаларидан бири бўлган республика қишлоқ меҳнаткашлари спартакиадасида қатнашаётганлигидан жуда мамнунлигини эътироф этаркан, мана шундай спортга бўлган республика миқёсидаги эътибор ўзи яшаётган Ургут тумани «Акромобод» жамоа хўжалигига етиб бормаётганлигидан қайғурди. Хўжаликда меҳнаткашларнинг спорт билан шуғулланиши учун на стадион бор, на бир оддий бассейн бор. Ваҳоланки, спорт билан шуғулланишга иштиёқмандлар хўжаликда жуда кўплаб топилади.

Республика қишлоқ меҳнаткашлари спартакиадаси дастуридан ўрин олган шоҳмот, шашка, енгил атлетика, қўл қайириш (армрестлинг) беллашувлари ҳам қизиқарли ўтди. Шоҳмотда сирдарёликлар, шашкада Тошкент вилояти вакиллари, енгил атлетика бахсларида наманганликлар, қўл қайириш борасида майдон эгалари зафар қозонишди.

Умумжамоа ҳисобида спартакиаданинг бош мукофоти — қимматбаҳо совғалар ва диплом Сирдарё вилояти меҳнаткашлари спортчи вакилларига насиб этди. Мукофотни республика Касаба уюшмалари федерацияси раиси ўринбосари Тўлқин Собитов топширди. Тошкент вилояти вакиллари иккинчи, наманганликлар учинчи ўринни эгаллашди. Ҳар бир спорт тури бўйича ҳам ғолибларга қимматбаҳо совғалар инъом этилди.

Расул ЖУМАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТЛАРДА: республика қишлоқ меҳнаткашлари спартакиадасидан лавҳалар.
А. МАМАДАМИНОВ ва Б. ТЎРАЕВ (ЎзА) тасвирга олган.

ВАТАН МАДҲИНИ КУЙЛОВЧИ «ҲАФТАЛИК»ЛАР

Наманган вилояти ҳокимлигининг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг беш йиллигини тантанали нишонлаш тўғрисидаги қарорига биноан, вилоятдаги барча болалар оромгоҳларида «Биз Амир Темур авлодларимиз» мавзуида оммавий ҳафталик байрами ўтказилди.

Ҳафталик давомида ташкил этилган адабий-бадиий кечалар, спорт мусобақалари ва қизиқарли учрашувлар болаларга олам-олам қувонч бағишлади. Айниқса, соҳибқирон ҳаёти ва фаолиятини акс эттирувчи суратлар, саҳна кўринишлари уларнинг жажжи қалбида катта таассурот уйғотди.

ДИҚҚАТ!

Халқаро тендер

Ўзбекистон Республикаси электр алоқалари тармоқларини кенгайтириш лойиҳасини амалга ошириш юзасидан халқаро тендер ўтказиш тўғрисида

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Япониянинг Ташқи иқтисодий ҳамкорлик жамғармаси (OECF) ўртасида 1995 йил 14 июнда тузилган Ўзбекистон-П-1 рақамли Кредит битими низомларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси электр алоқалари тармоғини кенгайтириш лойиҳасини амалга ошириш юзасидан

ХАЛҚАРО ТЕНДЕР

эълон қилинади

Тендер эълон қилинадиган кун - 1996 йил 5 август.
Электр алоқалари ускуналари умумий суммаси - 11,329 миллион япон иенаси, қутилмаган ҳаражатлар учун мўлжалланган суммадан ташқари.
Тендер характери - умумий, ҳамма мамлакатлар учун очиқ.
Харид шартлари - ускуналар пудратчининг назорати остида буюртмачи томонидан ўрнатилади.

Ишлар ҳажми:

ЛОТ №1 - Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Хоразм ва Навоий вилоятларида 251.500 абонентлик линиялари ҳажмида коммутация тизими. Станциялараро линиялар сони - 24.151. (Бундан ташқари қўшимча режа бўйича 43.500 абонентлик линияси ўрнатиш назарда тутилмоқда.)
ЛОТ №2 - Нукус-Бухоро, Тошкент-Ангрен йўналишларида умумий узунлиги 761 км. бўлган магистрал волокон-оптик алоқа линиялари. (Бундан ташқари қўшимча режага мувофиқ 707 км. узунликда ички зона волокон-оптик алоқа линиялари ўтказиш мўлжалланмоқда.)
ЛОТ №3 - Ангрен-Қўқон-Наманган-Андижон-Фарғона, Самарқанд-Қарши ва Урганч-Тўрткўл йўналишлари бўйича рақамли радиорелели алоқа линиялари.
ЛОТ №4 - фойдаланиш ва бошқариш тизимини ташкил этиш.

Тендер иштирокчилари учта асосий лот - (1,2 ва 3) бўйича жамлама таклифлар беришлари лозим. Фақат алоҳида лот бўйича берилган таклифлар қабул қилинмайди.
Тендер таснифлари бўйича ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигида бир лотга 1000 (минг) АҚШ доллари ҳисобидан ҳақ тўланганидан сўнг берилади.
Тендер олди йиғилиши 1996 йил 20 августда Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигида бўлади.

Ҳужжатлар қабул қилинадиган сўнгги кун - 1996 йил 23 сентябрь.

Ҳамма масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигининг халқаро бўлимига мурожаат қилинсин.
(Ҳуршид Абдуҳамидович Каримов, тел.: 36-37-27, 44-25-24).
Манзил: 700000, Тошкент ш., А.Толстой кўчаси, 1.

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги.

Масъулияти чекланган "Сераз" жамияти ўзи ишлаб чиқарган юксак унумли ускуналарни таклиф этади:

* *икки хил универсал тегирмон;*
* *шлакоблок бутламаси;*
* *макка донини сўтасидан айирувчи ускуна;*
* *ун, дон ва шу каби маҳсулотларни элайдиган ускуна;*
* *цоколбоп плита учун қолип;*
* *икки хил шоли тегирмони;*
* *ерёнғоқ тозалагич.*

Ҳақи пул ўтказиш йўли билан тўланади.

Тел.: (3712) 96-61-71, соат 8.00 дан 17.00 гача.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги «Жаҳон» ахборот агентлиги жамоаси агентликнинг Миллий ахборот агентликлари, халқаро ахборот марказлари билан алоқа хизмати бошлиғи Жўра Деҳқоновга онаси

Мавлуда ая БОЙМИРЗАЕВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Фанлар академияси онкология ва радиология институти жамоаси мазкур институт ходими С. Саидаҳмедовга онаси

НУРИХОН аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Чирчиқ «Электрокимё саноати» ишлаб чиқариш бирлашмаси маъмурияти ва касаба қўмитаси бирлашма бош директори Фатхулла Мирзаевга онаси

Раҳима ая МИРЗАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Анвар ЖЎРАБОЕВ.

БЎЛИМЛАР: Парламент 33-57-34; Хатлар 33-07-48; Мерос ва қадриятлар 36-29-89; Қишлоқ хўжалиги 36-07-94; Иқтисодиёт 36-36-65; Маънавият 36-35-60; Тунги муҳарририят 33-10-28. Эълонлар 36-09-25, Вахтёр-33-10-60

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — Э. Болиев. Навбатчи — Ф. Санаев.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0319 Буюртма Г. — 0444 31671 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 Босишга топшириш вақти—21.00 Таҳририятда ҳажми 7 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топширилди — 20.40 123456